

ШАРТНОМА № 26

“15” март 2022 йил.

Гулистон шаҳри.

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган “Сирдарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлатунитар корхонасини Низоми асосида иш кўрувчи директор З.Базаров бир томондан, матнда кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган **«Йўлдош ота ХК»** Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари Қ.Хақимов иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. **“Пудратчи”** ушбу шартнома шартларига мувофиқ **Сирдарё вилоят Боёвут туман Бобоюрт МФЙ Тутзор кучасини** жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. **“Буюртмачи”** эса **“Пудратчи”**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. 2022 йил 11-март кунги танловда (**ЛОТ рақами №45170**) ғолиб бўлиб бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **254 000 000** сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Ҳазначилик тизимидан (Уззбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“Буюртмачи”** махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида **“Буюртмачи”** томонидан бажариладиган ишлар қийматининг аванс (бўнак) тариқасида 30 % келишилган сумма **“Пудратчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“Буюртмачи”** махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, **“Пудратчи”** томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. **“Пудратчи”** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабр кунига қадар **“Буюртмачи”** гатопширилиши шарт ҳисобланади. Курсатилган муддатда **“Пудратчи”** томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан **“Буюртмачи”** томонидан молиялаштирилиши масаласи қайта куриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар **“Буюртмачи”** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва мазкур шартноманинг ишларни бажариш тўғрисидаги 1-иловасида кўрсатилган жадвал асосида белгиланган ойлarda ишларни кўрсатилган муддатларда бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда **“Буюртмачи”**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. **“Пудратчи”** мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун **“Буюртмачи”** олдида тўлиқ мулкый жавоб беради. **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”** олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. **“Буюртмачи”** **“Пудратчи”** билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. **“Пудратчи”** геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, **“Пудратчи”** тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар **“Буюртмачи”**нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”**нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача **“Пудратчи”** курилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. **“Пудратчи”** дафтар (журнал)да **“Бююртмачи”** томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига **“Пудратчи”** тўлиқ жавобгар бўлади.

“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинadиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла хажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.8. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш хажмлари **“Пудратчи”** томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш хажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш хажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида **“Бююртмачи”**ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.8. **“Пудратчи”** зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.9. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш хажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш хажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

“Бююртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.10. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.11. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла хажмда ҳисоб китоб қилинади.

“Бююртмачи”нинг ҳуқуқлари:

3.12. **“Пудратчи”**дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.13. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.14. **“Пудратчи”**дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.15. **“Пудратчи”** томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.16. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.17. Агар **“Пудратчи”** шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни **“Бююртмачи”** га топширмаган тақдирда, **“Бююртмачи”** мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. **“Пудратчи”** объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун **“Бююртмачи”**га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси тўлаб берилган маблағнинг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар **“Пудратчи”** томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаса, **“Бююртмачи”** тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун **“Бююртмачи”** томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада қўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 “ Пудратчи ” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “ Пудратчи ” да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига қирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “ Бююртмачи ” ва “ Пудратчи ” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Гулистон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Объектнинг жорий таъмирлаш бўйича маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Бююртмачи” нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БЮЮРТМАЧИ”

Сирдарё минтакавий йулларга бююртмачи
хизмати давлат унитар корхонаси
Гулистон ш. Саховат кучаси 1-уй.
Тел/факс: 236-55-16
ш/х: 304521860242127045129118021
СТИР: 207 252 998



Директор

В.Базаров

“ПУДРАТЧИ”

Йўлдош ота ХК

Мирзабод туман Богистон МФЙ Сохил
кучаси 10-уй.
АТБ Халк банки Гулистон ш. филиали
х/р: 20208000700544529001
МФО: 00759
ИНН: 202010226



Рахбар:

Қ.Ҳакимов

ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА.

Ўзаро тузилаётган пудрат шартномасининг шартлари, хусусан, тарафларнинг ҳуқуқлар, мажбуриятлари, кафолатлари, ишларнинг бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб ва тўловлар, ишлаб чиқариш, форс-мажор, тугалланган қурилиш объектини қабул қилиш ҳолатлари, шартномани бекор қилиш ҳамда тарафларнинг мулкий жавобгарлик асослари, низоларни хал қилиш тартиби ва яқуний талаблар Фуқаролик кодексининг 26, 27, 28 ва 37-боблари ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларига мос келади, шартнома тузувчи шахслар шартномани имзолаш ҳуқуқига эга, шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Сирдарё МЙБХ ДУК
Бош юрисконсульти:

Ф.Х.Усаров

Объект: Сирдарё вилоят Боёвут туман Бобуюрт МФЙ Тутзор кучасини жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДАВАЛИ

№	Молиялаштириш шартлари	Жами	Шундан				2022 йил
			январ	феврал	март	апрел	
1	30 % хажмидаги бунак	76 200 000	0	0	76 200 000	0	76 200 000
2	70 % хажмида жорий молиялаштириши	177 800 000	0	0	177 800 000	0	177 800 000
3	Жами:	254 000 000	0	0	254 000 000	0	254 000 000



"Буюртмачи"



"Пудрагчи"

" " 2022 йилдаги №
Шартномага I-илова

БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ
Пудратчи ташкилот: "Йўлдош ота" ХК

№	Иш тури	Жами	Шундан				Жами суммаси
			январ	феврал	март	апрел	
1	Қурилиш монтаж ишлари	220 869 565	0	0	220 869 565	0	220 869 565
2	ҚҚС 15 %	33 130 435	0	0	33 130 435	0	33 130 435
3	Жами	254 000 000	0	0	254 000 000	0	254 000 000



"Буюртмачи"



"Пудратчи"

№	Объектлар номи ва мақсади	Қурилиш ишларининг бошланиши ва тугаллини йили	Лойihaий қуяват, тегишли Қўшни бирликларда (с/м)	Ташқириш ишларининг (шарҳ) шартномаси тугаллини йили				01.01.2022 йил ҳолатига қадар қурилган буюмларнинг қиммати (с/м)				01.01.2022 йил ҳолатига қадар қурилган буюмларнинг қиммати (с/м)				2022 йилда жами капитал қурилмалар (милг сўм)	Қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати (милг сўм)	Шу жумладан						2022 йилда Асосий фондларни янги тузилишини		2023 йил 1 январь ҳолатига туруш объект бўлиши қолдиқ мўлжаллаш	2023 йил 1 январь ҳолатига туруш объект бўлиши қолдиқ қиймати	Тегиш сандлари байновмаси тасдиқланган ва санаси на расами	Лойiha экспертиза санаси на расами	Пудратчи курилтиш ташкilotлари
				Ташқириш ишларининг қиймати		Ташқириш ишларининг қиймати		Ташқириш ишларининг қиймати		Ташқириш ишларининг қиймати		Ташқириш ишларининг қиймати		Ташқириш ишларининг қиймати				Бопсма харajatлар	шундан		қуяват (с/м)	қиймати								
				Ташқириш ишларининг қиймати		Ташқириш ишларининг қиймати		Ташқириш ишларининг қиймати		Ташқириш ишларининг қиймати		Ташқириш ишларининг қиймати		Ташқириш ишларининг қиймати					Бопсма харajatлар	шундан										
				км	милг сўм	км	милг сўм	км	милг сўм	км	милг сўм	км	милг сўм	км	милг сўм					Бопсма харajatлар			Лойiha ва экспертиза харajatлари							
1	Ширин МФЙ бўйича жами:		1,330	137 331,520	137 331,520	137 331,520	137 331,520	137 331,520	137 331,520	137 331,520	129 571,980	1,330	129 571,980					7 759,540	4 742,110	3 017,430	1,330	137 331,520								
7	Маънавият МФЙ																													
1	Хакўйи кўчаси*	2021-2022 й	0,600	68 590,869	68 590,869	68 590,869	68 590,869	68 590,869	68 590,869	68 590,869	64 449,657	0,600	64 449,657					4 141,212	2 311,781	1 829,431	0,60	68 590,869			22.02.2022 й лот №30949	10.01.2022 й №30216	"Низомиддин имкон сервис" МЧЖ			
2	Бағрихент кўчаси*	2021-2022 й	0,310	31 409,326	31 409,326	31 409,326	31 409,326	31 409,326	31 409,326	29 302,400	29 302,400	0,310	29 302,400					2 106,926	936,496	1 170,430	0,31	31 409,326			22.02.2022 й лот №30831	10.01.2022 й №30221	"Низомиддин имкон сервис" МЧЖ			
2	Маънавият МФЙ бўйича жами:		0,910	100 000,195	100 000,195	100 000,195	100 000,195	100 000,195	100 000,195	93 752,057	93 752,057	0,910	93 752,057					6 248,138	3 248,277	2 999,861	0,910	100 000,195								
8	Миришкор МФЙ																													
1	Озодлик кўчаси*	2021-2022 й	3,360	781 927,095	781 927,095	781 927,095	781 927,095	781 927,095	781 927,095	745 194,222	745 194,222	3,360	745 194,222					36 732,873	22 313,605	14 419,268	3,36	781 927,095			21.02.2022 й лот №26929	10.01.2022 й №30235	"Монументстрой" МЧЖ			
2	Жибвали кўчаси*	2021-2022 й	1,573	300 488,508	300 488,508	300 488,508	300 488,508	300 488,508	300 488,508	285 115,020	285 115,020	1,573	285 115,020					15 373,488	9 314,794	6 058,694	1,57	300 488,508			22.02.2022 й лот №30940	10.01.2022 й №30236	"Низомиддин имкон сервис" МЧЖ			
2	Миришкор МФЙ бўйича жами:		4,933	1 082 415,603	1 082 415,603	1 082 415,603	1 082 415,603	1 082 415,603	1 030 309,242	1 030 309,242	1 030 309,242	4,933	1 030 309,242					52 106,361	31 628,399	20 477,962	4,933	1 082 415,603								
9	Бунёдор МФЙ																													
1	Кайфият кўчаси*	2021-2022 й	0,800	163 554,290	163 554,290	163 554,290	163 554,290	163 554,290	163 554,290	154 193,000	154 193,000	0,800	154 193,000					9 361,290	5 866,235	3 495,055	0,800	163 554,290			23.02.2022 й лот №31036	10.01.2022 й №30219	"Йўлдош-ота" МЧЖ			
1	Бунёдор МФЙ бўйича жами:		0,800	163 554,290	163 554,290	163 554,290	163 554,290	163 554,290	163 554,290	154 193,000	154 193,000	0,800	154 193,000					9 361,290	5 866,235	3 495,055	0,800	163 554,290								
10	Дўстлик МФЙ																													
1	Бағоват кўчаси*	2021-2022 й	0,800	148 877,156	148 877,156	148 877,156	148 877,156	148 877,156	148 877,156	140 832,845	140 832,845	0,800	140 832,845					8 044,311	5 051,613	2 992,698	0,80	148 877,156			22.02.2022 й лот №30938	20.01.2022 й №30806	"Низомиддин имкон сервис" МЧЖ			
2	Чинорли кўчаси*	2021-2022 й	0,605	112 590,156	112 590,156	112 590,156	112 590,156	112 590,156	112 590,156	106 506,548	106 506,548	0,605	106 506,548					6 083,608	3 820,344	2 263,264	0,61	112 590,156			22.02.2022 й лот №30943	21.01.2022 й №30888	"Низомиддин имкон сервис" МЧЖ			
2	Дўстлик МФЙ бўйича жами:		1,405	261 467,312	261 467,312	261 467,312	261 467,312	261 467,312	247 339,393	247 339,393	247 339,393	1,405	247 339,393					14 127,919	8 871,957	5 255,962	1,405	261 467,312								
11	Пахтакор МФЙ																													
1	Олтин водий кўчаси*	2021-2022 й	0,700	167 800,544	167 800,544	167 800,544	167 800,544	167 800,544	167 800,544	160 443,346	160 443,346	0,700	160 443,346					7 357,198	4 604,026	2 753,172	0,700	167 800,544			21.01.2022 й №30890		Тинсов асосида			
2	Воҳа кўчаси*	2021-2022 й	0,670	130 089,955	130 089,955	130 089,955	130 089,955	130 089,955	130 089,955	123 016,284	123 016,284	0,670	123 016,284					7 073,671	4 412,541	2 661,130	0,67	130 089,955			22.02.2022 й лот №30957	20.01.2022 й №30808	"Низомиддин имкон сервис" МЧЖ			
3	Мирзо Улутбек кўчаси*	2021-2022 й	0,650	126 062,531	126 062,531	126 062,531	126 062,531	126 062,531	126 062,531	119 186,490	119 186,490	0,650	119 186,490					6 876,041	4 275,168	2 600,873	0,65	126 062,531			22.02.2022 й лот №30961	21.01.2022 й №30892	"Низомиддин имкон сервис" МЧЖ			
3	Пахтакор МФЙ бўйича жами:		2,020	423 953,030	423 953,030	423 953,030	423 953,030	423 953,030	423 953,030	402 646,120	402 646,120	2,020	402 646,120					21 306,910	13 291,735	8 015,175	1,320	256 152,486								
12	Апорзор МФЙ																													
1	Саховатпена кўчаси*	2021-2022 й	1,240	298 713,499	298 713,499	298 713,499	298 713,499	298 713,499	298 713,499	283 525,731	283 525,731	1,240	283 525,731					15 187,768	9 086,581	6 101,187	1,24	298 713,499			22.02.2022 й лот №30875	20.01.2022 й №30802	"Йўлдош-ота" МЧЖ			
2	Баракка кўчаси*	2021-2022 й	0,860	244 561,559	244 561,559	244 561,559	244 561,559	244 561,559	244 561,559	233 944,330	233 944,330	0,860	233 944,330					10 617,229	6 430,839	4 186,390	0,86	244 561,559			22.02.2022 й лот №29418	20.01.2022 й №30807	"Низомиддин имкон сервис" МЧЖ			
2	Апорзор МФЙ бўйича жами:		2,100	543 275,058	543 275,058	543 275,058	543 275,058	543 275,058	543 275,058	517 470,061	517 470,061	2,100	517 470,061					25 804,997	15 517,420	10 287,577	2,100	543 275,058								

